




**ORIENTAL JOURNAL OF HISTORY, POLITICS AND LAW**

journal homepage:  
<https://www.supportscience.uz/index.php/ojhpl>



## INDIA'S FOREIGN POLICY INITIATIVES IN CENTRAL ASIA

**Hilola I. Mustapova**  
*senior lecturer (PhD)*  
*Tashkent State University of Oriental Studies*  
*Tashkent, Uzbekistan*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** geopolitical factors, Kashmir, joint defense and security studies, strategic partnership, North-South International Transport Corridor, oil and gas pipelines

**Received:** 11.05.23

**Accepted:** 13.05.23

**Published:** 15.05.23

**Abstract:** This article provides information about India's participation in Central Asia, its geopolitical and geo-economic interests in the region, the state of its political and economic relations with the countries of Central Asia, various projects and initiatives aimed at the region.

## ХИНДИСТОННИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ТАШҚИ СИЁСИЙ ТАШАББУСЛАРИ

**Хилола И. Мустапова**  
*китта ўқитувчиси (PhD)*  
*Тошкент давлат шарқиунослик университети*  
*Тошкент, Ўзбекистон*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** геосиёсий омиллар, Кашмир, мудофаа ва хавфсизлик бўйича қўшма тадқиқотлар, стратегик шериклик, Шимол—Жануб халқаро транспорт йўлаги, нефть ва газ қувурлари

**Аннотация:** Ушбу мақолада Хиндистоннинг Марказий Осиёдаги иштироки, унинг минтақадаги геосиёсий ва геоиктисодий манбаатлари, Марказий Осиё давлатлари билан сиёсий, иқтисодий муносабатлари ҳолати, минтақага йўналтирилган турли лойиҳалари ва ташабbusлари ҳақида маълумот берилади.

## ВНЕШНЕПОЛИТИЧЕСКИЕ ИНИЦИАТИВЫ ИНДИИ В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

**Хилола И. Мустапова**  
*старший преподаватель (PhD)*  
*Ташкентский государственный университет востоковедения*  
*Ташкент, Узбекистан*

## О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** геополитические факторы, Кашмир, совместные исследования в области обороны и безопасности, стратегическое партнерство, международный транспортный коридор Север-Юг, нефте- и газопроводы

**Аннотация:** В данной статье представлена информация об участии Индии в Центральной Азии, ее геополитических и геоэкономических интересах в регионе, состоянии ее политических и экономических отношений со странами Центральной Азии, различных проектах и инициативах, направленных на регион.

## КИРИШ

Совет Иттифоқи парчаланганидан сўнг Хинди斯顿нинг Марказий Осиё республикалари билан муносабатларида ҳиндларнинг минтақага қизиқиши камая бошлади. Кўпчилик мутахассисларнинг фикрига кўра, буннинг бир қанча объектив сабаблари мавжуд: биринчидан, ўша пайтда қўшни Покистон билан Кашмир масаласида қарама-қаршиликлар кучайган эди; иккинчидан, бевосита жуғрофий боғланишнинг йўқлиги Марказий Осиё билан ҳамкорликнинг аниқ стратегияси ишлаб чиқилишини кечиктирди[1].

Шу билан бирга, Хинди斯顿 ўзининг БРИКС ташкилотидаги иштирокини жадаллаштирмоқда ва узоқ вақтли кузатишдан сўнг, ниҳоят, ШХТга тўлақонли аъзо сифатида қўшилиш масаласини ўртага қўйди (2015 йил 7 июль, Уфа шаҳри)[2] ва 2017 йил ташкилотнинг тўлоқонли аъзосига айланди.

## АСОСИЙ ҚИСМ

Мақола тайёрлаш жараёнида мавзуга доир инглиз, ҳинд ва рус олимларининг илмий ишларига мурожаат қилинди.

Мазкур чоралар Хинди斯顿га Марказий Осиёдаги сиёсатини фаоллаштириш имконини беради. 2015 йил июль ойида бош вазир Нарендра Моди илк бор вақтнинг ўзида Марказий Осиёнинг барча давлатлари, яъни Тожикистон, Туркманистон, Қозогистон, Қирғизистон ва Ўзбекистонга ташриф буюрди. Хинди斯顿 нуқтаи назаридан, ушбу ташриф 2012 йилда эълон қилинган “Марказий Осиё билан алоқа” (Central Asia Connect Policy) сиёсатида янги стратегик йўналиш яратди. Хавфсизлик соҳасида Хинди斯顿—Марказий Осиё муносабатларини ривожлантиришнинг мақсадга мувофиқлигини, масалан, Тожикистоннинг Кашмирдан атиги 20 км масофада жойлашгани тасдиқлаб турибди. Хинди斯顿 ҳарбий базаси ҳиндларга қарши террорчи гурухлардан унча узоқ бўлмаган масофада — Хитой билан Покистон ҳарбий ва иқтисодий ҳамкорликни амалга ошираётган худуд яқинида — жойлашган[3].

Шу билан бирга, Хинди斯顿нинг Марказий Осиёдаги сиёсатига бир қатор геосиёсий омиллар таъсир қилишда давом этиб, улардан асосийларига АҚШ билан Эрон, АҚШ билан Россия ўртасидаги муносабатлар, Покистон ва Хитой омиллари киради.

Шу нүктаи назардан, Ҳиндистон дастлаб Марказий Осиёга нисбатан сиёсий, иқтисодий, маданий ва гуманитар алоқаларини қамраб олган ташқи сиёсат бўйича “*Марказий Осиёга боғланиши сиёсати*” (“Connect Central Asian policy” — CCAP) ташаббусини ишлаб чиқди. Ушбу ташаббус Марказий Осиё минтақаси билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, собиқ ташқи ишлар вазири Э.Аҳмад томонидан 2012 йил 12–13 июн кунлари Қирғизистон Республикаси пойтахти Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган Ҳиндистон ва Марказий Осиё республикалари ўртасидаги биринчи мулоқот учрашувида кенг омма эътиборига тақдим этилди[4]. Ҳиндистоннинг мазкур сиёсати номидан кўриниб турибдики, бу сиёсатнинг асосий мақсади—Ҳиндистон ҳамда у билан узоқ умумий тарихий ва маданий алоқаларга эга бўлган Марказий Осиё минтақасини қайтадан ўзаро боғлашдир. Ҳиндистоннинг собиқ ташқи ишлар вазири Э.Аҳмад бу сиёсатга қўйидагича таъриф берган эди: “Бу—Ҳиндистон университетлари, касалхоналари, ахборот технологиялари марказларини Марказий Осиё республикалари билан боғлайдиган сиёсат бўлиб, юқоридагилар билан бир қаторда тиббиётда электрон тармоқ яратиш, қўшма корхоналар ташкил қилиш, савдо-сотиқни рағбатлантириш учун ҳаво транспорти орқали алоқаларни яхшилаш, туризм, мудофаа ва хавфсизлик бўйича қўшма тадқиқотлар ва стратегик шерикликни ривожлантириш каби муҳим йўналишларни ҳам қамраб олади”[5].

Ҳиндистон ташқи сиёсатидаги “*Марказий Осиёга боғланиши сиёсати*” ташаббусининг асосий элементлари қўйидагилардир:

- 1) Ҳиндистон юқори даражадаги ташрифлар орқали минтақа мамлакатлари билан сиёсий алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашда давом этади;
- 2) Ҳиндистон стратегик ва хавфсизлик бўйича шериклик алоқаларини мустаҳкамлайди. Ушбу давлат аллақачон Марказий Осиёнинг баъзи мамлакатлари билан стратегик шериклик алоқаларига эга. Бунда ҳарбий тайёргарлик, қўшма тадқиқотлар, терроризмга қарши курашни мувофиқлаштириш ва Афғонистондаги ички сиёсий вазият бўйича яқин маслаҳатлашувларга асосий эътибор қаратилади;
- 3) Ҳиндистон Марказий Осиёдаги шериклар билан кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш учун Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Евросиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ) ва Божхона иттифоқи каби мавжуд минтақавий платформаларда биргаликдаги саъй-ҳаракатлардан фойдаланмоқда. Ҳиндистон аллақачон ўз бозорларини Евросиё иқтисодий маконига бирлаштирувчи иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида кенг қамровли битимларни таклиф қилган;
- 4) Ҳиндистон Марказий Осиё давлатларини энергетика ва табиий ресурслар соҳасидаги узоқ муддатли шериклар сифатида баҳолайди. Марказий Осиё катта экин

майдонларига эга бўлиб, бу эса Ҳиндистонга ғалла экинларини етиштиришда ҳамкорлик қилиш имкониятларини яратади;

5) тиббиёт соҳаси ҳамкорлик учун катта имкониятлар очадиган яна бир истиқболли тармоқdir. Ҳиндистон Марказий Осиёда хусусий шифохоналари ва клиникаларини ташкил этиш орқали ҳамкорликни кенгайтиришга тайёрлигини билдиради;

6) Ҳиндистон олий таълим тизими минтаقا учун гарб университетларига қараганда арzon олий таълимни таклиф этади. Ушбу мақсадга эришган ҳолда Ҳиндистон ахборот технологиялари, менежмент, фалсафа ва тилларни ўқитиш каби соҳаларда жаҳон даражасидаги илғор марказга айланиши кўзда тутилган Марказий Осиё университетини яратишга кўмаклашишни режалаштирган;

7) Ҳиндистон телемедицина, масофавий таълим соҳаларида барча Марказий Осиё республикаларини мамлакат билан билан боғлайдиган электрон тармоқ яратиш устида иш олиб бормоқда. Минтақавий боғланиш чекланган бўлишига қарамай, Ҳиндистон ахборот технологиялари ва таълим соҳасига сармоя киритиш борасида ҳаракат қилмоқда. Ҳиндистон ривожланган ахборот технологиялари соҳасида малакали мутахассисларга эга бўлганлиги сабабли ушбу секторда ўз кучидан фойдаланиб, Марказий Осиёнинг барча беш давлатини ўзидағи телекўрсатувлар билан таъминлайдиган электрон тармоқни ўрнатишга интилмоқда. Мазкур соҳаларда кенг доирадаги ҳамкорликка минтақани яқинлаштириш учун кўприк вазифасини ўташи мумкин бўлган энг истиқболли йўл сифатида қаралмоқда;

8) Ҳиндистон компаниялари халқаро талаб ва стандартларга жавоб берадиган биноларни рақобатбардош нархларда қуриш орқали қурилиш соҳасидаги имкониятларини намойиш этишлари мумкин. Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан, Қозогистонда темир рудаси ва кўмирнинг катта захиралари бор, шунингдек арzon электр энергияси ҳам мавжуд. Ҳиндистон ўзига хос маҳсулотларни талаб қиласиган ўрта ўлчамдаги металургия комбинатлари яратиш ва уларни янада кенгайтиришда ёрдам беришга қодирлигини амалда исботламоқда;

9) қуруқлик орқали алоқаларни ривожлантиришга келсак, Ҳиндистон Шимол—Жануб халқаро транспорт йўлагини ривожлантириш лойиҳасини ишлаб чиқди ҳамда Марказий Осиё давлатларини йўқолган алоқаларни энг қисқа вақт ичida тиклаш йўлларини муҳокама қилишга ва ушбу йўналиш бўйлаб боғланиш пунктлари устида ишлаш жараёнига қўшилишни таклиф қилмоқда;

10) минтақада рақобатбардош банк инфратузилмаси йўқлиги савдо ва инвестициялар учун жиддий тўсиқ ҳисобланади. Ҳинд банклари минтақанинг молиявий бозорига катта қизиқиш билдиromoқда;

11) Ҳиндистон ва минтақа мамлакатлари ҳаво транспорти соҳасини яхшилаш учун биргаликда иш олиб боради. Ҳиндистонда сайёҳларни жалб қилиш учун сайёҳлик агентликлари ва ваколатхоналари самарали фаолият кўрсатмоқда. Марказий Осиё мамлакатлари сайёҳлар учун дам олиш ва ўз фильмларида жозибали, манзарали хорижий жойларни тасвирилашни яхши кўрадиган ҳинд кино саноати учун диққатга сазовор жойлардан бирига айланиши мумкин;

12) Марказий Осиё ва Ҳиндистон халқлари ўртасидаги муносабатларнинг ривожланиши таълим тизими ходимларининг касб маҳорати ўсишига ҳам хизмат қилади.

Э. Аҳмад талабалар алмашинуви орқали Ҳиндистон ва Марказий Осиёнинг истиқболли ёшлари ва бўлажак ёш раҳбарлари ўртасида фикр алмашиш муҳимлигини таъкидлади. Ҳиндистон маданиятлар ва тарихий меросни чуқурроқ тадқиқ этиш учун олимлар, мутахассислар, фуқаролик жамияти ва ёшлар делегациялари билан доимий алмашинувни қўллаб-қувватлайди[6].

Тадқиқотчи Р.Корбозин Ҳиндистон раҳбариятининг бу ташқи сиёсий ташаббуси Ҳиндистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан сиёсий, иқтисодий ва гуманитар алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилганлигини таъкидлаб, ушбу сиёсатини “кеч қолган актор”нинг фаоллашуви сифатида баҳолайди[7]. Шунингдек, муаллиф Марказий Осиёда ушбу сиёсатни амалга ошириш механизmlари ва унинг аҳамияти борасида кўплаб фикрлар билдирган. Хусусан, ҳиндистонлик олим Нишза Каушкининг “The New Great Game and India’s Connect Central Asia Policy: Strategic Perspectives and Challenges” (“Янги Катта ўйин ва Ҳиндистоннинг “Марказий Осиёга боғланиш” сиёсати: Стратегик истиқболлар ва муаммолар) номли мақоласида Ҳиндистоннинг “Марказий Осиёга боғланиш сиёсати” (CCAP сиёсати) доирасида вужудга келиши мумкин бўлган муаммолари, Янги катта ўйин шароитида Ҳиндистоннинг имкониятлари, шунингдек, Марказий Осиёда мавжуд етакчи куч марказлари ҳисобланадиган АҚШ, Хитой ва Россиянинг Марказий Осиёдаги стратегик мақсадлари ва уларни амалга ошириш механизmlари алоҳида таҳлил қилинган. Н. Каушки Марказий Осиёда Россиянинг Хитойга нисбатан ёндашуви ва минтақада Хитой-Покистон ҳамкорлиги масалаларига ҳам тўхталиб ўтган. Муаллиф ушбу сиёсат орқали Ҳиндистонни Марказий Осиё учун зарур иқтисодий ҳамкорга айлантириш ва минтақанинг энергия бозорига етиб бориш масалаларига алоҳида эътибор қаратган[8].

Хитой ўзининг “Бир макон, бир йўл” ташаббуси билан минтақа давлатларининг табиий минераллари ва углеводородларидан максимал даражада фойдаланишга, шунингдек ўз товарлари учун бозорни кенгайтиришга интилаётган бир пайтда Ҳиндистон ҳам ортда қолмаслик учун “Марказий Осиёга боғланиш” сиёсатига ўтди ва камчиликларини бартараф этишга киришди.

Хитойнинг минтақада мухим ютуқларни қўлга киритиши, Марказий Осиёдаги ШХТ аъзолари грантлар ажратиб, ёрдамлар кўрсатиши ҳамда Марказий Осиё билан унинг ғарбий худудлари ўртасидаги минтақавий алоқаларни ривожлантириши Марказий Осиё Хитойнинг “Бир макон, бир йўл” сиёсатида марказий ўринни эгаллаганини англатади. Покистоннинг Ҳиндистон махсулотлари унинг худудидан ўтишига йўл қўймаслиги сабабли Ҳиндистоннинг минтақага тўғридан-тўғри қуруқликдан кириш имкони йўқлиги Нью-Дехлининг минтақадаги савдо манфаатларига зарап етказмоқда. Хитойнинг “Бир макон, бир йўл” дастури дорасидаги лойиҳаларини Марказий Осиё давлатлари қўллаб-кувватлаши асносида Ҳиндистон Ташқи ишлар вазирлиги экспедиторлар ассоциацияси институтлари томонидан олиб борилган сўнгти тадқиқотлар муҳокамаси учрашувини ўтказди. Марказий Осиё бўйича мутахассис, ҳинд дипломати П.Стобдан айтганидек, учрашувда Шимол—Жануб халқаро транспорт йўлагининг амалга оширилишини тезлаштириш муҳокама қилинган бўлиб, бунинг сабаби Ҳиндистон ҳукумат тасдиқлаганидан сўнг Халқаро божхона конвенциясига қўшилишга қарор қилганлигидир[9].

Ҳиндистоннинг “Марказий Осиёга боғланиш” сиёсати бўйича ташаббусини бошқа ҳиндистонлик тадқиқотчилар Сандип Синх ва Аманприт Каур ҳам ўзларининг “Connect Central Asia Policy’ Factor in India’s Soft Power Initiatives In Cars: Problems and Prospects” номли мақоласида таҳлил қилганлар. Мақолада Марказий Осиё энергия ресурсларининг аҳамиятига эътибор қаратилиб, ССАР Ҳиндистонни Марказий Осиё энергия ресурслари томон олиб борувчи йўл бўлиши мумкинлиги таъкидланган. Шунингдек, ССАР Марказий Осиёда Ҳиндистоннинг геосиёсий таъсирини кучайтиришга хизмат қилиши мумкинлиги ҳам айтиб ўтилган. Бундан ташқари, муаллифлар ҳозир Марказий Осиёда мавжуд нефть ва газ қувурлари, уларнинг жойлашуви ҳамда Ҳиндистоннинг бу борадаги имкониятлари ҳақида ҳам аниқ далиллар орқали батафсил фикр юритганлар[10].

Ушбу сиёсатнинг амалий натижалари кейинги йилларда бўлиб ўтган турли даражалардаги ташрифлар, сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳамкорликда ўз ифодасини топди ҳамда Ҳиндистоннинг минтақадаги иштироки янада кенгайишига сабаб бўлди. Савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантираётган Ҳиндистон анъанавий равишда иқтисодиётнинг кучли соҳалари бўлган ахборот технологиялари ва дастурий таъминот, фармацевтика ва тиббиёт ускуналари, тўқимачилик, чой савдоси каби тармоқларга катта эътибор қаратди. Минтақа мамлакатлари билан дипломатик алоқалар ўрнатилганидан сўнг Ҳиндистон ишбилиармон доиралари ва минтақадаги бизнес тузилмалари дастлаб минтақадаги асосий шерик сифатида фармацевтика, қишлоқ хўжалиги махсулотларини

қайта ишлаш ва тўқимачилик соҳасида ўнга яқин қўшма корхоналар мавжуд бўлган Ўзбекистон Республикасини кўришади.

Шунга қарамай, ҳинд компаниялари Марказий Осиё бозорида суст иштирок этишмокда. Бунинг асосий сабаби эса табиий транспорт йўллари ва алоқа билан боғлиқ қийинчиликлар бўлиб қолмоқда. Бу Марказий Осиё республикалари билан Ҳиндистон ўртасида умумий чегаранинг йўқлиги билан ҳам боғлиқ. Марказий Осиё давлатлари ҳам, ўз навбатида, океанга чиқа олмайдилар. Шунингдек, транспорт инфратузилмасининг ҳали ривожланиш босқичида эканлиги ҳам таъсир қўрсатмай қолмайди.

Жануб ва Жануби-шарқий Осиё мамлакатларини Эрон, Каспий денгизи ва Россия ҳудуди орқали ўтадиган темир йўллар, дengiz ва автомобиль йўллари тармоғи билан Европага боғлайдиган Шимол—Жануб транспорт йўлагининг ривожланиши Ҳиндистоннинг Марказий Осиё бозорларига киришида ёрдам бериши мумкин.

Илмий адабиётларда бу вақт давомида Ҳиндистоннинг иқтисодий ўсиши кенг муҳокама қилинди. Сўнгги йилларда Ҳиндистон раҳбарияти мамлакатнинг минтақа ва дунёдаги мавқеини яхшилаш, унинг кучини мустаҳкамлаш учун тинимсиз иш олиб борди.

Ҳиндистон Республикасининг стратегик режаларида Марказий Осиё давлатларининг роли ва ўрнини аниқлаш учун Ҳиндистон ташқи сиёсатининг кўп векторли хусусиятларини ҳисобга олиш керак.

Марказий Осиё ҳинд маҳсулотлари экспорти учун янги истиқболли бозорлар очадиган ўзига хос йўлак бўлиши билан бирга, Ҳинд океанидан узокда бўлмаган энергия ресурсларини импорт қилишда катта аҳамият касб этади. Шу сабабдан Ҳиндистон Марказий Осиё минтақаси билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган “Янги Ипак йўли” ташабbusi билан чиқди. Дехлида минтақага эътиборнинг кучайиши асосан сўнгги йилларда нафақат дунёning етакчи кучлари, балки ўрта даражали кучлар, биринчи навбатда Покистоннинг “Катта ўйин” иштирокчисига айланганлиги билан ҳам боғлиқ. Шу муносабат билан Ҳиндистон раҳбарияти томонидан ташқи сиёsatдаги энг муҳим вазифалардан бири сифатида Покистон билан муносабатларнинг ҳар қандай ҳолатида ҳам Дехлининг Марказий Осиё давлатларига таъсирини кучайтиришга қаратилган бўлиши кераклиги белгилаб олindi.

Ҳиндистоннинг “Марказий Осиёга боғланиш сиёсати”[11] (Conntect Central Asia Policy) ва “Янги Ипак йўли”[12] сингари ташабbusлари Марказий Осиё минтақасида Дехли кутган натижаларга олиб келмади. Минтақанинг Россия ва Хитойга жўғрофий яқинлиги ҳамда геоиқтисодий жиҳатдан боғлиқлиги Ҳиндистоннинг мазкур ташабbusлари тўлақонли амалга оширилишида катта қийинчиликларни келтириб чиқарди. Натижада, узоқ йиллик уринишларга қарамай, бу ташабbusларни янгилаш ёки ўзгартириш лозимлиги аён бўла

бошлади. Марказий Осиё минтақасидаги геосиёсий тенденциялар минтақанинг баъзи давлатларидағи ҳокимият алмашинувлари ва, энг асосийси, минтақанинг ўзаро жипслашувга интилиши билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Бу эса Марказий Осиёга қизиқаётган куч марказларини ўзларининг минтақа борасидаги қарашларини ўзгартиришга ундаи. Ҳиндистон ҳам минтақа билан боғланишнинг янги формати бўлмиш «Ҳиндистон—Марказий Осиё» саммитининг ташаббускорига айланди.

**«Ҳиндистон—Марказий Осиё» саммити.** Ҳиндистон олдида Марказий Осиёдаги геосиёсий ўзгаришлар, минтақа кучлари ўртасидаги рақобат, пандемиянинг ўзаро алоқаларга таъсири ҳамда Афғонистонда «Талибан» ҳокимияти ўрнатилган ҳозирги шароитда ўз ташки сиёсий ташаббусларини кучайтириш зарурати пайдо бўлди. Бу борада «Ҳиндистон—Марказий Осиё» саммитининг ташкил этилиши ана шундай нуфузли ташаббуслар сирасига киради. 2022 йил январь ойида бўлиб ўтган дастлабки онлайн саммитда янги воқеликлар шароитида Ҳиндистон ва Марказий Осиё алоқаларининг ҳозирги ҳолати давлат раҳбарлари даражасида муҳокама қилинди. Томонлар ушбу саммитни ҳар икки йилда ўтказишга келишиб олишди. Саммит якунлари бўйича Дехли декларацияси қабул қилиниб[13], унда ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида савдо-иктисодий, маданий-гуманитар, мудофаа ва хавфсизликка оид, Чобаҳор портидан фойдаланиш бўйича ишчи гурухи ташкил этиш, тинч, хавфсиз ва барқарор Афғонистон давлатини барпо этишда кўмаклашиш ва бошқа масалалар ўз ифодасини топди[14].

Ҳиндистоннинг «The Indian Express», «WION», «The Economic Times», «Hindustan Times» газеталари ва бошқа етакчи ахборот агентликлари веб-саҳифаларида ушбу мамлакатлар тарихида биринчи марта давлат раҳбарлари даражасида ташкил этилган саммит минтақалараро ҳамкорлик алоқаларида янги босқични очиши таъкидланади. Айниқса, ушбу олий даражадаги тадбирнинг Марказий Осиё республикалари ва Ҳиндистон ўртасида дипломатия алоқалари ўрнатилганининг 30 йиллиги арафасида ташкил этилаётгани алоҳида эътиборга молиқдир. Хусусан, «WION» ахборот агентлиги мухбири Сидхант Сибал ўз мақоласида Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги муносабатлар жадал ривожланиб бораётганига ургу берган. Мақолада Ҳиндистон томонидан Эроннинг «Чобаҳор» бандаргоҳи салоҳиятини кенгайтириш бўйича олиб борилаётган саъи-ҳаракатлар ва Ўзбекистоннинг Жанубий Осиё йўналишида мазкур порт салоҳиятидан фойдаланиш имкониятларига ҳам эътибор қаратилган. «The Indian Express» газетасининг ёзишича, Афғонистон билан бевосита чегарадош бўлган уч мамлакат — Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон — раҳбарларининг саммитда иштироки мазкур тадбирнинг минтақавий хавфсизлик масалаларини муҳокама қилишда амалий аҳамияти юқори бўлишидан дарак беради. «Hindustan Times» газетасининг мухбири Резаул Ҳасан Ласкар

Марказий Осиё давлатлари ҳамда Ҳиндистон ўртасидаги олий ва юқори даражадаги мунтазам мулоқотнинг мавжуд эканлиги ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга олиб чиқишида муҳим асос бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлайди: «Ўзбекистон ва Ҳиндистон давлат раҳбарлари ташаббуси билан 2019 йил январь ойида Самарқандда ташқи ишлар вазирлари даражасида ташкил этилган «Ҳиндистон—Марказий Осиё» мулоқотининг 2021 йил 19 декабрь куни Дехли шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги З-иғилиши, 2021 йил ноябрь ойида бўлиб ўтган миллий хавфсизлик кенгашлари маслаҳатлашувларини бунга мисол тариқасида келтириш мумкин». Ҳиндистондаги етакчи тадқиқот марказларидан бири — «Vivekananda Foundation» таҳлилчиси Правеш Гупта қаламига мансуб «Ҳиндистон—Марказий Осиё» саммитидан кутилаётган натижалар» номли мақолада тадбир кун тартибида турган энг устувор вазифа — ўзаро боғлиқлик лойиҳалари, яъни минтақалар ўртасидаги транспорт йўлакларини ривожлантириш масаласи бўлиши лозимлиги таъкидланган[15].

Мазкур саммит ташаббусининг геосиёсий хусусиятлари ҳам мавжуд. Жумладан, ушбу форматдаги учрашув “Хитой — Марказий Осиё” саммитидан бир неча кун ўтиб ташкил этилгани Дехлининг Марказий Осиё минтақасига янгича ёндашувга асосланали, қолаверса, Хитой ва Покистон сингари рақобатчиларининг минтақадаги алоқалари тобора кенгайиб бориши билан чамбарчас боғлиқ.

**“Ҳиндистон—Марказий Осиё” мулоқоти.** Мазкур форматдаги илк учрашув 2019 йил январь ойида Самарқандда бўлиб ўтди. “Ҳиндистон—Марказий Осиё” мулоқоти ташқи ишлар вазирлари даражасида ташкил этилган формат бўлиб, унинг ўзига хос жиҳати дастлабки учрашувга Афғонистон ташқи ишлар вазирининг таклиф этилишидир. Бу хусусият билан “Ҳиндистон—Марказий Осиё” формати С5+ форматида бўлган қолган ташаббуслардан (АҚШнинг С5+1, Марказий Осиё — Россия, Хитой — Марказий Осиё, Япония — Марказий Осиё, Жанубий Корея — Марказий Осиё) алоҳида ажralиб туради. Аниқроқ изоҳ берганда ушбу форматда айнан Афғонистоннинг бевосита иштирокини кузатиш мумкин. Қолган мулоқот учрашувларида Афғонистон масаласи муҳокама этилса ҳам, Афғонистон вакилининг иштироки кузатилмайди. Бу орқали Ҳиндистон асосий эътиборни Афғонистон орқали Марказий Осиё минтақаси билан ҳар томонлама ҳамкорлик қилишга қарататётганини тушуниш мумкин. “Ҳиндистон—Марказий Осиё” форматининг Самарқанддаги илк учрашувида томонлар қўшма баёнот қабул қилишди. Унда қуйидаги масалалар бўйича ҳамкорлик масалалари муҳокама этилгани қайд этилган:

Томонлар Ҳиндистон ва Марказий Осиё ўртасида маданий, савдо ва гуманитар алоқалар азалдан мавжудлигини қайд этиб, Ҳиндистон ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги изчил, самарали ва дўстона муносабатларни ўзаро манфаатли ҳамкорликни

икки ва кўп томонлама шаклларда мустаҳкамлаш борасидаги интилишлари қатъий эканини таъкидладилар;

Томонлар барча шакл ва кўринишдаги терроризмни қоралаб, бутун дунё халқлари ва иқтисодиётга таҳдид солаётган терроризмга қарши курашишда ҳамкорлик қилишга келишиб олдилар;

ташқи сиёсат идораларининг раҳбарлари ўзаро савдо ҳажмини оширишда кўмаклашиш, саноат, энергетика, ахборот технологиялари, фармацевтика ва қишлоқ хўжалиги, таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳаларига инвестициялар, инновация ва технологиялар жалб этишдаги ҳамкорликнинг истиқболли имконият ва йўналишларини мухокама қилдилар;

ташқи сиёсат идораларининг раҳбарлари минтақанинг инвестиция муҳити ва инвестициявий жозибадорлигини, Марказий Осиё мамлакатларининг халқаро макондаги ишбилармонлик имкониятларини яхшилаш бўйича ўзаро мувофиқлашган саъи-ҳаракатларни амалга ошириш муҳимлигини таъкидладилар. Вазирлар Ҳиндистон ва Марказий Осиё мамлакатлари ҳудудлари ва шаҳарлари ўртасида тўғридан-тўғри ўзаро манфаатли иқтисодий ва маданий алоқаларни йўлга қўйиш ва кенгайтириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратиб, ушбу йўналишда кўмаклашишга тайёр эканликларини билдиридилар;

вазирлар Марказий Осиё мамлакатларининг транзит ва транспорт-коммуникация салоҳиятини ривожлантириш, минтақанинг транспорт-логистика тизимини такомиллаштириш борасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, минтақавий ва халқаро транспорт йўлакларини яратиш бўйича қўшма ташабbusларни илгари суришдан манфаатдор эканликларини таъкидладилар. Хусусан, иштирокчилар Халқаро транспорт ва транзит йўлагини яратиш бўйича Ашхобод битимиға Ҳиндистоннинг қўшилганини ижобий баҳоладилар;

вазирлар қўшма лойиҳаларни рўёбга чиқариш орқали маданият, фан, таълим, тиббиёт, ахборот соҳаларида икки ва кўп томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашдан, шунингдек, «халқ» дипломатияси доирасида маданий-гуманитар алмашувларни қўллаб-қувватлаш, эксперт-таҳлил ва жамоатчилик доиралари, ОАВ ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканликларини билдиридилар. Томонлар умумий маданий мерос ва тарихий ёдгорликларни асрар ва ўрганиш масалаларидағи ҳамкорликка устувор аҳамият қаратдилар;

вазирлар минтақавий ҳамкорлик, товарлар ва энергия ресурслари транзитининг муҳим бўғини бўлган Афғонистон «Ҳиндистон—Марказий Осиё» мулокотининг биринчи учрашувида иштирок этганини маъқуллаб, Марказий Осиё мамлакатлари ва

Ҳиндистоннинг Афғонистонда тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, ушбу мамлакатда бевосита афғон халқи раҳбарлигига ва саъй-ҳаракатлари билан тинчлик ўрнатиш жараёнига кўмаклашишда, шунингдек қўшма инфратузилмавий, транзит-транспорт, энергетика ва бошқа лойиҳаларни амалга ошириш, жумладан, минтақавий ҳамкорлик ва инвестиция лойиҳалари орқали Афғонистоннинг иқтисодий тикланишини кўллаб-қувватлашга тайёр ва бу борада интилишлари қатъий эканини таъкидлайдилар[16].

## ХУЛОСА

Шуни алоҳида қайд этиш муҳимки, Афғонистонда 2021 йил 15 август куни «Толибон» ҳокимиятининг қайта ўрнатилиши Ҳиндистоннинг минтақадаги геосиёсий манфаатлари ва стратегик ташаббусларга жиддий таъсир кўрсатди. Бу эса Дехлининг Марказий Осиё билан боғланиш жараёнларида Афғонистон омилига асосий эътибор қаратишини қайта кўриб чиқишига мажбур этмоқда. Ушбу масаланинг геосиёсий хусусияти шундаки, АҚШнинг «Толибон» ҳаракати билан музокаралар олиб бориши ва ўз ҳарбий кучларини Афғонистондан олиб чиқиши Дехлининг мавқеига таъсир этмай қолмади. Бу хусусда афғоншунос С.Бўронов шундай ёзади: «Афғонистон геосиёсий динамикасида юзага келаётган мураккаб жараёнлар Дехли манфаатларига қарши бир қатор жиддий ҳавотирларни юзага келтириши мумкин. Айниқса, «АҚШ—Толибон» келишуви натижасида Афғонистонда «Толибон» таъсирининг тобора ортиб бориши Ҳиндистон раҳбарияти олдида жиддий муаммоларни келтириб чиқаради. Чунки, Исломободнинг кучли таъсири остида бўлган «Толибон» ҳаракатининг ҳокимиятга келиши Дехлининг расмий Кобул билан ҳамкорлигини шубҳа остида қолдириши мумкин»[17]. Дарҳақиқат, «Толибон» ҳокимиятининг афғон сиёсий саҳнасида қайта пайдо бўлиши Дехлининг Марказий Осиё билан боғлиқ режаларида Чобаҳор портига чиқиши, шу орқали Эрон билан геосиёсий жиҳатдан яқинлашиш учун туртки бўлиш эҳтимолини янада кучайтиради.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Martand Jha. India's Connect Central Asia Policy (A look back at India-Central Asia relations in the Post-Soviet era) // URL: <https://thediplomat.com/2016/12/indias-connect-central-asia-policy-2/>
2. Юлдашева Г.И. Геополитические процессы в современной Центральной Азии: Иран и США. — Т.: Niso poligraf, 2018. — Б. 142.
3. Юлдашева Г.И. Геополитические процессы в современной Центральной Азии: Иран и США. — Т.: Niso poligraf, 2018. — Б. 142.
4. Roman Muzalevsky. «India's 'Connect Central Asia' Policy Seeks to Compensate for Lost Time»/ September 27, 2012/ The Jamestown Foundation — Global Research and Analysis/

// URL: <https://jamestown.org/program/indias-connect-central-asia-policy-seeks-to-compensate-for-lost-time/>

5. Keynote address by MOS Shri E. Ahamed at First India-Central Asia Dialogue/ India's 'Connect Central Asia' Policy/ Ministry of External Affairs of India/ // URL: <https://www.meaindia.gov.in/Speeches-Statements.htm?dtl/19791/>

6. Keynote address by MOS Shri E. Ahamed at First India-Central Asia Dialogue/ India's 'Connect Central Asia' Policy/ Ministry of External Affairs of India/ // URL: <https://www.meaindia.gov.in/Speeches-Statements.htm?dtl/19791/>

7. Роман Карбозин. «Индия в ЦА: участь опоздавшего» / Август 5, 2013 журнал «Экономическое обозрение» Mode of access: // URL: <https://ia-centr.ru/publications/16773/>

8. Nishtha Kaushiki. The New Great Game and India's Connect Central Asia Policy: Strategic Perspectives and Challenges. Journal of International and Area Studies, Volume20, Number2, 2013. — PP. 83–110.

9. India's presence in Central Asia: Professor Stobdan assesses — CAAN. // URL: <https://caa-network.org/archives/9775>

10. Sandeep Singh, Amanpreet Kaur. Connect Central Asia Policy' Factor in Inda's Soft Power Initiatives in Cars: Problems and Cars: Problems and Prospects. International Journal of Advanced Research in Management and Social Sciences.Vol 3, No.12, December 2014.

11. Ушбу “Марказий Осиёга боғланиш сиёсати” ташаббуси собиқ ташқи ишлар вазири Э.Аҳмад томонидан 2012 йил 12–13 июнь кунлари Қирғизистон Республикасининг пойтахти Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган Ҳиндистон ва Марказий Осиё республикалари ўртасидаги биринчи мулоқот учрашувида эълон қилинган.

12. Концепцияда Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги иқтисодий алоқаларни ривожлантириш орқали Афғонистоннинг иқтисодий ривожланишини таъминлаш ва мамлакатда барқарорлик ўрнатиш ғояси илгари сурилган. Уни амалга ошириш стратегияси икки босқичга бўлинган. Биринчи босқичда — Марказий Осиёни Афғонистон орқали Ҳиндистон ва Покистон билан боғлайдиган инфратузилмани шакллантириш, иккинчи босқичда эса Марказий ва Жанубий Осиё (Ҳиндистон, Покистон) ўртасида божхона ва чегара тизимини такомиллаштириш орқали савдони ривожлантириш, пировардида эса умумий бозорни шакллантириш кўзланган.

13. Delhi Declaration of the 1st India-Central Asia Summit <https://meaindia.gov.in/bilateral-documents.htm?dtl/34773/>

14. India-Central Asia Virtual Summit. 27 January 2022.  
<https://www.narendramodi.in/prime-minister-narendra-modi-s-remarks-at-first-india-central-asia-summit-559674>

15. Hind ommaviy axborot vositalari bo‘lajak «Hindiston-Markaziy Osiyo» birinchi onlayn sammiti haqida // Dunyo axborot agentligi. — 2022. — 27-yanv. URL: [https://dunyo.info/uz/site/inner?slug=hind\\_ommaviy\\_axborot\\_vositalari\\_bo%E2%80%98lajak\\_hindiston-markaziy\\_osiyo\\_birinchi\\_onlayn\\_sammiti\\_haqida-he6](https://dunyo.info/uz/site/inner?slug=hind_ommaviy_axborot_vositalari_bo%E2%80%98lajak_hindiston-markaziy_osiyo_birinchi_onlayn_sammiti_haqida-he6)
16. “Hindiston — Markaziy Osiyo” muloqoti tashqi ishlar vazirlarining Afg‘oniston ishtirokidagi birinchi uchrashuvi yakunlari bo‘yicha qo‘shma bayonet. Qozog’iston Respublikasining O’zbekistondagi elchixonasi. <http://uzembassy.kz/uz/article/hindiston--markaziy-osiyo-muloqoti-tashqi-ishlar-vazirlarining-afgoniston-ishtirokidagi-birinchi-uchrashuvi-yakunlari-boyicha-qoshma-bayonot>
17. Бўронов С.М. Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш жараёнларида Ўзбекистон геосиёсати— Т.: EFFECT-D,2021.Б.147